



## Q A R O R

2009 yil "11" ноябр

№ 1148-к

Самарканд тумани

Тумандаги "Қўштамғали" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Жуй Сой" маҳалласида яшовчи фуқаро Ходжакулов Алижонга тегишли уй-жойини бир қисмини савдо дўконига айлантириш ҳақида

Тумандаги "Қўштамғали" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Жуй Сой" маҳалласида яшовчи фуқаро Ходжакулов Алижон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб туман ҳокимининг 2009 йил 25 сентябрдаги 966-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли уй жойини бир қисмида савдо дўкони ташкил қилиш учун турар жой тоифасидан нотурар жой тоифага ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Ходжакулов Алижонга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги "Қўштамғали" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Жуй Сой" маҳалласида яшовчи фуқаро Ходжакулов Алижонга тегишли умумий 672,26 м.кв ер майдонида жойлашган уй-жойини қурилиш тагидаги майдони 188,89 м.кв квадратдан иборат бўлиб шундан А-2 литердаги 1-та дахлез 8,86 м.кв, 1-та яшаш хонаси 14,99 м.кв А-3 литердаги 1-та ошхона 12,85 м.кв ва 1-та омборхона 12,11 м.кв. жами: 48,81 м.кв қисми (савдо дўкони сифатида фойдаланиши учун) нотурар жой тоифага ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғин (Б.Кўзиёв)ларига фуқаро Ходжакулов Алижонга тегишли уй-жойини бир қисминини нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Ходжакулов Алижон зиммасига: а) савдо дўконининг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев